

ТОВЛАМАЧИЛИК ЖИНОЯТЛАРИНИ ОЛДИНИ ОЛИШ ВА ФОШ ЭТИШГА САЛБИЙ ТАСИР КҮРСАТУВЧИ ОМИЛЛАР

Каримов Шукуржон Шавкатжон ўғли

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги

Академияси 304-гурух курсанти

АНОТАЦИЯ:

Жиноятларни тез ва тўла очиш, айборларни фош этиш ҳамда одил судлов фаол иятида товламачилик жиноятига қарши кураш, ушбу турдаги жиноятларга қарши кураш ва тергов қилишда бошқа соҳа хизматлари билан ҳамкорлик қилишни такомиллаштириш юзасидан таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиши ҳисобланади.

Калит сўзлар: товламачилик, жиноят, тезкор тадбир, жиноят иши.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев халқимиз азалдан юксак қадрлаб келадиган, хамма нарсадан устун қўядиган “адолат” туйғусини хаётимизда янада кенг қарор топтириш, биринчи даражали вазифа эканига алоҳида эътибор қаратмоқда. Жамиятимизда коррупция турли жиноятларни содир этиш ва бошка ҳуқуқбузарлик ҳолатларига қарши курашиш, уларга йўл қўймаслик, жиноятга жазо албатта муқаррар экани тўғрисидаги конун талабларини амалда таъминлаш бўйича қатъий чоралар кўриш зарурлиги таъкидланмоқда.

Шунингдек таъкидлаш керакки, мамлакатимиз иқтисодиёти ривожланиши билан бирга иқтисодиёт соҳасида янги турдаги ижтимоий хавфли қилмишлар ҳам юзага кела бошлади. Иқтисодиёт соҳасидаги жиноятлар қаторида, хусусан ўзгалар мулкини талон-тарож қилиш фаолияти соҳасидаги жиноятлар ичida қўпроқ содир этилиши мумкин бўлган жиноят сифатида товламачилик жинояти ҳисобланади.

Таъкидлаш жоизки, товламачилик жиноятнинг кўпайиши мамалакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига заарар етказади ҳамда фуқароларнинг ҳаёти ва соглиги хавфсизлигига хавф туғдиради.

Товламачилик – мулкий жиноятлардан бири. Ўзбекистон Республикаси жиноят ҳуқуқига кўра, товламачилик жабрланувчи ёки унинг яқин кишиларига зўрлик ишлатиш, мулкка шикаст етказиш ёки нобуд қилиш, ёхуд жабрланувчи учун сир сақланиши лозим бўлган маълумотларни ошкор қилиш билан қўрқитиб ўзгадан мулкни ёки мулкий ҳуқуқни топширишни, мулкий манфаатлар беришни ёхуд мулкий йўсиндаги ҳаракатлар содир этишни талаб қилиш ёхуд жабрланувчини ўз мулки ёки мулкка бўлган ҳуқуқини беришга мажбур қиладиган шароитга солиб қўйиш демакдир. Товламачиликда факат моддий бойликларгина эмас, балки мулкий мақомдаги ҳужжатлар, қарз (тилҳат), меросдан воз кечиш тўғрисидаги ҳужжат, моддий

бойликларни олиш учун ишонч қоғози, санаторияларга йўлланма ва ҳоказолар тажовуз буюми бўлиши мумкин. Товламачилик жинояти тамагирлик мотиви билан содир қилинади. Товламачиликда мулк зўрлик ишлатиб тортиб олинмайди, балки унинг эгаси томонидан ўз ихтиёри билан берилади. Шунингдек, товламачиликда жабрланувчига нисбатан қўлланиладиган дўқ-пўписа, агар жабрланувчи товламачининг талабини бажармаса, кейинчалик амалга оширилишини назарда тутади. Кўпгина ҳолларда товламачилик шантаж, рекэт номи билан ҳам аталади. Лекин шантаж ҳам, рекэт ҳам товламачиликдан фарқ қиласди. Шантаж – шахсий шарманда қиладиган маълумотларни ошкор этиш билан қўрқитиб, бирон-бир ҳаракатни содир этиш бўлса, рекэт бир неча шахслар томонидан дўқ қилиш, зўрлик ишлатиш ва қўрқитиш орқали амалга ошириладиган қилмишdir.

Товламачиликнинг обьекти ўзгаларнинг мол-мулки, мол-мулкка бўлган хукуқи, жабрланувчи шахсларнинг соғлиғи, шаъни ва қадр-қимматидир.

Мол-мулк, мол-мулкка бўлган хукуқ, мулкий йўсингдаги ҳаракатлар (муайян ишни бажарилишини хизмат кўрсатишни ва ҳ.к.) товламачилик жиноятининг предмети бўлиши мумкин.

Мол-мулкка бўлган хукуқ - шахснинг ўзига тегишли мол-мулкка эгалик қилиш, ундан ўз хоҳишига кўра ҳамда ўз манфаатларини қўзлаб фойдаланиши ва тасарруф этиши, шунингдек ўзининг мулкий хукуқи ким томонидан бузилишидан қатъи назар, унингмулкийхукуқлари бузилишининг бартараф этилишини талабқилишхукуқидир.

Айборд товламачиликни содир этаётib мулкка бўлган хукуқни талаб қилмай, ўзганинг мол-мулкидан фойдаланиш ёки уни тасарруф этиш хукуқини талаб қилиши ҳам мумкин.

Товламачиликнинг предмети факат ўзганинг мол-мулки ёки унга бўлган хукуқи бўлиши мумкин.

Товламачилик мулкка қарши ғаразли жиноятлардан бири ҳисоб-ланади. Товламачиликнинг ижтимоий хавфлилик хусусияти унинг нафақат мулкчиликка, балки мулкчилик манфаатларининг мустақил шакли сифатида намоён бўлувчи бошқа (мажбурият юкловчи, мерос бўлиб ўтувчи, уй-жой каби) мулкий муносабатларга ҳам тажовуз қилишидан иборат.

Суд-тергов амалиётида товламачиликни босқинчилик ва ўғри ликдан фарқлашда кўп муаммолар мавжуд. Шуни назарда тутиш кераккни, босқинчилик ва талончиликда зўрлик ишлатиш билан қўрқитиш мулкни эгаллаб олиш ёки талон-торож қилинганидан сўнг уни ушлаб қолиш воситаси бўлиб хизмат қилса, товламачиликда ушбу қўрқитиш жабрланувчининг иродасини сўндириш ва уни товлама-чининг талабларини бажаришга мажбур этиш воситаси бўлиб хизмат қиласди.

Шуни ҳам назарда тутиш керакки, босқинчилик ва талончиликда ўзганинг мулкини эгаллаб олиш қўрқитиши билан бир вақтда содир бўлади, товламачиликда эса, айбор жабрланувчининг мулкини келажакда қўлга киритади.

Агар товламачиликни содир этишда қўрқитиши жабрланувчига ҳеч қандай таъсир қўрсатмаган бўлиб, товламачи ўша вақтдаёқ ўзганинг мулкини талон-тарож қилган бўлса, унинг ҳаракатлари ўзганинг мулкини товламачилик қилиш ва қўрқитишига қараб, босқинчи-лик ёки талончилик сифатида жиноятлар мажмуи бўйича квалификация қилиниши керак.

Товламачиликни босқинчилик ва талончиликдан фарқлашда товламачиликда зўрлик ишлатиш билан қўрқитиши мулкни зўрлик ишлатаётган вақтда эмас, балки келажакда қўлга киритишига қарати-лишига эътибор бериш лозим. Агар қўрқитиши амалда ишлатилса, қилмиш ЖКнинг товламачилик ҳақидаги моддаси билан ва асослар бўлганда, қўрқитиши амалга **оширилаётганда содир этилган ҳаракат учун жавобгарликни назарда тутувчи** моддаси билан ҳам квалификация қилиниши лозим.

Товламачиликни босқинчилик ва талончиликдан фарқлашда товламачиликда зўрлик ишлатиш билан қўрқитиши мулкни зўрлик ишлатаётган вактда эмас, балки келажакда қўлга киритишига қаратилишига эътибор бериш лозим. Агар қўрқитиши амалга оширилса, қилмиш ЖКнинг товламачилик учун жавобгарлик белгиланган моддаси ва асослар бўлганда, қўрқитиши амалга оширилаётганда содир этилган ҳаракат учун жавобгарликни назарда тутувчи моддаси билан ҳам тавсифланиши лозим.

Айтилганларнинг барчаси хуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимларидан мазкур турдаги жиноятларни тергов қилиш ва унга қарши кураш чораларини белгилашда ушбу жиноятнинг криминалистик хусусиятларига алоҳида аҳамият беришлари лозимлигини тақозо этади.

Қўйидагилар товламачилик жинояти бўйича дастлабки маълумотлар манбаи бўлиб, хизмат қиласди:

- жабрланувчиларнинг арзлари
- маҳсус тезкор қидирув тадбирлар ўтказилиши натижасида олинган фактлар;
- жиноят шохидларнинг қўрсатмалари (хабарлари);
- мансабдор шахслар хабарлар;

Товламачилик жинояти асосан қўйидаги усувлар орқали содир этилади:

- зўрлик ишлатиш билан қўрқитиши.
 - мулкка шикаст етказиш ёки уни нобуд қилиш билан қўрқитиши.
 - маълумотларни ошкор қилиш билан қўрқитиши.
 - корупсион жиноятлар содир этиш ёки мансаб қоидалар бузишга ундаш қўрқитиши.
- Товламачилик жиноятини яшириш усувларига қўйидагиларни киритиши мумкин:
- жиноят предметларини олди-сотти қилиш ҳаракатларини амалга ошириш ниқоби остида ҳаракат қилиши;

- айбдорларнинг бошқа касб эгаси сифатида никобланиши;
- жиноят предметларини яшириш;
- жиноят содир этилган жойда сохта излар қолдириш;
- ёлғон важни яратиш;
- предметлар устида қолдирилган қўлнинг бармоқ изларини ўчириш;
- жиноятдан жабр кўрган ва шоҳидларини қўрқитиш орқали кўндириш жинойи жавобгарликдан қочиш;
- жиноятнинг алоҳида ҳоллатлари юзасидан сўроқ вақтида гапирмаслик;
- кўрсатув беришдан бош тортиш;
- била туриб ёлғон кўрсатувлар бериш ва бошқ.

Товламачилик жиноятининг содир этиш жойи ва вақти ҳақидаги маълумотлар. Ушбу жиноятлар асосан шахарларда кўпроқ содир этилади. Мазкур жиноят вақт танламайди куннинг хара қандай вақтида содир этилади. Бироқ, таҳлил қилинаётган жиноят кунинг кечки вақтларида ҳам содир этилиши мумкин.

Товламачилик жиноятни содир этишнинг усуллари турли-тумандир. Уларнинг рўйхатига қуйидагилар киради: – ишни бажариш, хизматлар таклиф этиш ва товарни паст нархда ёхуд текинга бериш; - жабрланувчи учун олдиндан нохуш бўлган шартномани тузиш; - қарздор ва қарз берувчи ўртасида фоизлар тўлаш бўйича олдиндан келишув бўлмаган бўлса, берилган қарз учун фоиз талаб қилиш учун қўрқитиш;

Товламачилик жиноятни содир этиш чоғида жиноятчилар томонидан қолдириладиган излар жуда ҳам ранг-баранг бўлиб, улар жиноятнинг турлари, шунингдек, содир этиш усуллари боғлиқdir. Уларни топилган жойи бўйича ҳам, ушбу изларни ҳосил қилган объектлар бўйича ҳам таснифлаш мумкин. Тасодифий шахслар изларини истисно қилгандা, қуйидаги из ҳосил қилувчиларни ажратиш мумкин: жиноятчи; жабрланувчи; жиноят куроли; тажовуз предмети; атроф-муҳит. Қоида тариқасида, биринчи навбатда, жабрланувчи ва жиноятга шоҳид бўлган шахслар қолдирадиган изларни қўриб чиқиш ўринлидир. Тергов ва суриштирув чоғида жабрланувчи, баъзан эса гувоҳлар ҳам жиноятчининг ташқи кўринишини тўлиқ тасвиrlаб берадилар ва одатда уни аниқ таниб оладилар. Шунингдек, моддий излар ҳам аниқланиши мумкин, бироқ кўпинча уларни аниқлаш муаммо туғдиради. Баъзан уларни очишга фақатгина тезкор қидирув воситалари ва усуллари орқали эришилади.

Жиноятларни очиш, фош қилишни ташкил этиш ва тергов қилишни ташкиллаштиришнинг самарадорлигини таъминлаш учун: тергов-тезкор гуруҳининг ҳодиса рўй берган жойга имкон борича, тезроқ етиб келиши, жиноят иши қўзғатиш ва дастлабки тергов ишларини бошлаш тўғрисида тезкорлик билан қарор қабул қилиш, барча зарур куч ва воситаларни кечиктирмай ишга жалб этиш, ўтказиладиган тергов ҳаракатлари ва тезкор-қидирув тадбирларни танлаб олиш, тергов тадбирларининг,

тезкорлиги, узлуксизлигига риоя қилиб, уларни барча тергов-тезкор гурухининг таркибидан фойдаланган ҳолда кенг миқёсда ўтказиш, ўта кам вақт сарфлаган ҳолда имкон борича кўпроқ маълумотлар йиғиш ва уларни тўплаш, бирга иш юритаётган органларга ва хамкор ташкилотларга тезкорлик билан малумотлар йиғиш тезкор тадбирини ўтказиш, муайян маълумотдан хабардорларни тезда топиш ва улар билан сўров тадбирларини тезликда ўтказиб улардан тушунтиришлар олиш тезкор равища тезкор кузатув тадбирларини амалга ошириш орқали жиноятчани топиш жиноятни фош етиш амалга ошириш лозим.

Ўзининг мазмуни бўйича жиноий ҳолатлари ҳар-хил бўлиши мумкин. Бу эса терговчининг кечикириб бўлмас тергов ҳаракатлари ва тезкор қидирув ходимининг тезкор қидирув тадбирларини қўллашдаги хамкорлик орқали тезкор қидирув ходими жиноий ходиса холатидан келиб чиқган ҳолда, жиноий ходиса юзасидан тактик қарорларни кабул қилиш, мисол учун тезкор ходим ходиса гувоҳ шохидлар яқин атрофдаги шахслар билан сўров тадбирларини ўтказиб жиноятчи шахс хақида малумот олиб ушбу шахсни топища малумотлар йиғиш тезкор тадбир ўтказиб хамкор органларга сўров йубориб малумотлар йиғиш тадбирини ўтказади, жабрланувчидан талон тарож қилинган буйумлар қимматбахо тошлар телефон аппаратлари бўлса уларни хужжатлариолиниб сўровлар юборилади мисол учун телефон бўлса шахс телефон хужжатлри олиниб кибержиноятчилик марказларига жўнатилиб телефон малумотлари кўтартирилиб ушбу малумотлар орқали қидирув тадбирлари ўтказилади ва жиноят содир етган шахсни топиб қонуний чора қўрилади. Бундан ташқари товламачилик жиноятини содир этиш вақти ва жойи тўғрисидаги маълумотларни тадқиқ этиш, орқали такроран содир етилаётган жиноий ходиса ва ҳолатлар юзасидан, бундан ташқари жабрланувчилардан қўрқитиш орқали пул талаб қилаётган шахсларга қонуний чора қўиши сўраган мурожатлари бўйича тезкор қидирув ходими тезкор експеремент тадбирини ўтказиш чорасини қўриб жиноят содир етмоқчи бўлган шахсларга сўраётган талаб қилаётган нарсаларини беришга жабрланувчиларни қўндириб улар билан алоқага чиқариб жабрланувчи шахслардан талаб қилаётган нарсаларни бериш ишни бажариш вақтида тезкор гурух томонидан ашёвий далилар билан ушлаш чораларини кўради ва жиноят такроран содир етишга чек қўяди. Шунингдек ички ишлар органларининг тезкор ходимлари ва бошқа соҳавий хизматлар ишларини тўғри ташкиллаштириш орқали жиноятни жиловвлашга харакат қилиш, мисол учун патруль-пост хизматлари ишини тўғри ташкил қилиш, тезкор қидирув гурухлари экипажларининг мақбул йўналишларини белгилаш хамда тезкор қидирув ходимлари тунги тезкор кузатув тадбирларини йўлга қўйиш орқали тезкор кузуввлар натижасида содир етилиши мумкин ёки содир етилаётган жиноятларга иссиқ изидан очиш уларни фош етиш муҳим аҳамият касб этади.

Товламачилик жиноятлари бўйича тезкор тадбирлар ўтказиш орқали жиноят очиш далиларни йиғиши гумондор шахсни ушлаш чораларини кўриш ва жабрланувчи шахсга унинг ўзига тегишли бўлган нарсаларини топиб бериш унинг буйумларини қонуний равища хужжатлаштириб егасига топшириш ишларини амалга ошириш лозим.

Хулоса қилиб айтганда товламачилик жинояти очикдан очик ҳар хил вақтларда одамлар кам вақтларда содир етилиши натижасида кўп инсонлар жабрланувчига айланиб жиноятчи шахс топилмай қолиши айборлар номалумлигича қолиб кетади шундай вазиятларда тергов ва тезкор қидирув ходимлари тезкор равища жиноятларни фош етишга киришиб тезкор қидирув тадбирлар ўтказиб жиноят иссиқ изидан фош етиб жиноят содир етган шахсга қонуний чоралар кўрилади.